O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Majburiy bepul nusxa



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 7 декабрь, № 235 (5150) Сешанба

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 6 декабрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари, Бангладеш Халқ Республикаси, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий, Моҳамад Имран, Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний ва Ёсихиса Курода ишонч ёрлиқлари топширди.***

Мамлакатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг Форс кўрфазидаги ишончли иқтисодий ва сармоявий шерикларидандир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада юксак поғонага кўтарилди, икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятлари ишга солина бошлади.

Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви фаоллашмоқда, ишбилармон доиралар вакилларининг бизнес-форумлари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида тузилган етмишга яқин қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги йигирмадан зиёд компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, электроника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт хизмати каби соҳаларга ихтисослаштирилган.

Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада ривожлантириш тарафдори эканини айтиб, ўз дипломатик миссияси даврида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Бангладеш Ўзбекистон пахтасининг асосий импортчиларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Бангладеш тўқимачилик корхоналарига ҳар йили 400 — 450 минг тонна Ўзбекистон пахтаси етказиб берилади.

Айни пайтда Бангладеш ишбилармон доиралари Ўзбекистон тўқимачилик ва фармацевтика саноатига сармоя киритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Шу билан бирга, икки мамлакат нефть-газ, кончилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамкорлик учун улкан имкониятларга эга.

— Биз Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Гуманитар ҳамкорликни, хусусан, сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни истиқболли, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ўз миссиямни бажариш чоғида халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқчиман, — деди Моҳамад Имран.

Иордания араб дунёсининг Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган давлатларидан биридир. Яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Иордания Бизнесменлар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат Иорданиянинг етакчи фирма ва компаниялари билан Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасидаги мулоқотларни кенгайтиришни назарда тутади. Битимда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, томонлар бу соҳадаги имкониятлар, имтиёз ва қулайликлар тўғрисида ахборот алмашишга, ишбилармонларни икки мамлакатдаги иқтисодиёт, сармоя ва савдога оид қонунчилик билан таништиришга, биргаликда бизнес-анжуманлар ўтказишга келишиб олдилар.

Буюк Ипак йўли даврида Мовароуннаҳр билан қадим араб дунёси орасида қатнаган карвонлар бу улкан минтақалар халқлари ўртасида дўстлик, маданият, илм-фан ва савдо соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилган.

— Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг тарихий алоқаларига таянади. Давлатларимиз кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш муҳим, деб ҳисоблайман. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончли ва дўстона муносабатлар қарор топган. Бу ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг муҳим омилидир, — деди Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний.

Ёсихиса Курода Ўзбекистон — Япония муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, юртимиздаги дипломатик фаолияти давомида, айниқса, иқтисодиёт, сармоя, юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини қайд этди.

Ўзбекистонда Япония билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Айни пайтда Япония ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ўзининг муҳим шериги деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлишини ёқлайди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айланиши Токиода юксак баҳоланди. Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларга Буюк Ипак йўли даврида асос солинган. Бугунги кунда Ўзбекистон — Япония муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди ва бу Президентимиз Ислом Каримовнинг 2003 йилда Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот билан расмийлаштирилди.

Японияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади. Кунчиқар мамлакат юртимиздаги ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Япония Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидандир. Япония сармоялари иштирокида мамлакатимизда стратегик аҳамиятга молик йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**(ЎзА).**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

4 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу қонун ҳужжати латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва улар оқибатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг жавобгарликдан озод этилишини кафолатлашга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун валюта қимматликларининг қонунга хилоф айланиши билан боғлиқ бўлган, тергов билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ва қонунга хилоф валюта операциясининг томонларидан бири бўлган фуқароларнинг аризалари асосида аниқланган жиноятларнинг очилишини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу Қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан Спортда допингга қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилганлигини қайд этиб ўтдилар. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги стратегияси ҳамда фаолият дастури доирасида ишлаб чиқилган мазкур конвенциянинг мақсади — спортда допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингни йўқотиш мақсадида унга қарши курашишга кўмаклашишдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

***Термиз шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакатимизда маданиятлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барқарор ривожланишининг кафолатидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИК КАФОЛАТИ




Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари, миллий маданият марказлари вакиллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Барча миллат ва элатлар вакиллари учун ўз миллий қадрият ва урф-одатларини ўрганиш ҳамда ривожлантириш борасида тенг шароит яратилгани замирида ҳам ана шундай бағрикенглик ва эзгу интилиш мужассам. Зеро, Асосий Қонунимизда юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналари ҳурмат қилиниши белгилаб қўйилган.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 250 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, тўртта миллий маданият маркази ва 670 га яқин фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат туйғусини кучайтириш, аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш юзасидан мазкур нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари томонидан сезиларли ишлар амалга оширилаётир.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сурхондарё минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими Рустам Норлиев, "Аёл ва замон" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Гулнора Хўжаниёзова ва бошқалар шу ҳақда атрофлича сўз юритди.

(Давоми 3-бетда).

# ҒАМХЎРЛИК, ШИЖОАТ, ЭЪТИРОФ

**Гуанчжоуда ўтказилган XVI Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган спортчиларимиз муносиб тақдирланди.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ҳадемай 2010 йил билан хайрлашиб, янги 2011 йилга қадам қўямиз. Айни мана шу дамларда ортга бир назар ташлаб, эришилган ютуқ ва натижаларимизни атрофлича таҳлил қилиш яхши анъанага айланган. Эътироф этиш жоизки, ушбу йил барча соҳалар қатори мамлакатимиз спорти учун ҳам яна бир поғона юксалиш, янги марраларни забт этиш йили бўлди. Иқтидорли йигит-қизларимизнинг халқаро миқёсда ўтказилган ўнлаб мусобақаларда қўлга киритган бири-биридан ажойиб ютуқлари, ғалабалари шарафига янграган мадҳиямиз, баланд кўтарилган байроғимиз Ўзбекистон номининг дунё узра янада кенгроқ ёйилишига, Ватанимизнинг салоҳиятини, обрў-эътиборини намоён этишга хизмат қилди. Ўша ҳаяжонли дамлар ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам завқ, ғурур ва ифтихор туйғуларини олиб келди. Зеро, ушбу муваффақиятлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалдаги самараларидир.

Шу йилнинг 12 — 27 ноябрь кунлари Хитойнинг қадимий Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган XVI Осиё ўйинларини барчамиз катта қизиқиш билан кузатдик. Халқаро Олимпия қўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши шафелигида замонавий олимпия ҳаракатининг "Бирдамлик, тинчлик, дўстлик" анъанаси асосида ўтказилган бу галги Осиё ўйинларида қитъамизнинг қирқ беш

**Ифтихор**

мамлакатидан келган ўн минг нафардан зиёд спортчи 42 спорт тури бўйича ўзаро беллашди. Унда Ўзбекистон шарафини 224 нафар вакилимиз ҳимоя қилди. Якунда ҳамюртларимиз 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза медаль билан норасмий умумжамоа ҳисобида саккизинчи поғонадан жой олишди. Бу спортчиларимизнинг ҳозиргача иштирок этган Осиё ўйинларида қўлга киритган медаллари сони бўйича энг яхши кўрсаткичдир. Таъбир жоиз бўлса, йигит-қизларимиз мазкур ютуқлари орқали Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига ўзига хос совға ҳозирлашди.

Албатта, нуфузли халқаро мусобақаларда ўз истеъдоди билан юқори марраларни эгаллаган спортчиларимизни халқимиз ҳамиша ардоқлайди, қадрлайди. Уларни рағбатлантириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборидадир. 6 декабрь куни пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида XVI Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар таъкидлаганидек, фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Мазкур йўналишда ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам юксак даражада эътироф этилиб, эндиликда Ўзбекистон тажрибаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, Юртбошимиз раҳнамолигида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёшларни оммавий спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари этиб сайлансин:

Узак **Базаров**

Генжемурат **Пиржанов**.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 4 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Эшмурза **Камбаров** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 4 декабрь.

# ЮТУҚЛАРИМИЗ – ИМКОНИЯТЛАР МЕВАСИ

Ҳар гал Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қўлимга олар эканман, юрагимни фахр-ифтихор ҳисси эгаллайди. Бахтимиз Қомусининг ҳар бир бўлими ва боби, ҳар бир моддаси ўз адолат тамойиллари, миллий руҳи, инсон ва унинг манфаатларига йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Масалан, 37-моддада "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир", дея белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, шундай. Истиқлол йилларида шаҳару қишлоқларимизда турли соҳаларга ихтисослаштирилган юзлаб касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Бу билим даргоҳларида ёш авлод ўзи қизиққан соҳа ёки ҳунарни эгаллаши учун барча шарт-шароит, имкониятлар муҳайё этилган. Хусусан, ўзим меҳнат қилаётган маскан ҳақида гапирадиган бўлсам, бизнинг педагогика коллежимиз кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг энг йирик, мўътабар илм даргоҳларидан ҳисобланади. Ўтган йиллар ичида мазкур ўқув юртини битирган жуда кўплаб касб эгалари вилоятимизнинг таълим муассасаларида ўз меҳнат фаолиятларини муваффақиятли олиб боришмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ПОЙТАХТимиздаги Ёшлар ижод саройида "Yangi intellekt" — энг яхши интеллектуал мулк объекти учун йиллик танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

# Иқтидорли ёшлар муваффақияти

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда).

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифалари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида мустақил ривожланишнинг қисқа даврида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида юз берган ўзгаришлар ҳамда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, юртимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлида изчил ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз зарурлигини таъкидлади ва демократик ўзгаришларни бундан-да чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига жойларда Юртбошимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, прокуратура органларининг фаолиятини тегишли йўналишларда кучайтириш борасида қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш устувор вазифалар қаторида белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг қамровли бўлиб, спорт соғлиқни сақлашда, ахлоқий, маданий ва жисмоний тарбияда, шунингдек, халқаро миқёсда бир-бирини тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришда муҳим роль ўйнаши кераклигини назарда тутади.

Мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиб, унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Оҳангарон шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мамлакатимиз ҳукуматининг юқоридаги таклифларини маъқуллаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳамда ҳудудларни бошқаришни мақбуллаштиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш имконини бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Икки кунлик мажлис давомида 24 масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

***Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва тараққиётнинг “ўзбек модели” номи билан ҳаётга татбиқ этилаётган бу йўл жамиятимизнинг ҳуқуқий нормаларида ўз ифодасини топди.***

**Фахр**

Шу маънода, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда миллий тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Асосий Қонунимизда ҳуқуқий давлат қуриш фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига ҳамоҳанг тарзда ўзига хос ечим топган. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири сиёсий ҳуқуқлар бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий ва бошқа соҳаларга тегишли бўлган ихтиёрий бирлашиш ҳуқуқидир. Ва Конституциямизнинг 34-моддасида фуқароларнинг “касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш” ҳуқуқи кафолатланади. 56-моддада эса унинг мазмуни янада бойитилиб, “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар, ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”, деб таъкидланади.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши жараёнида демократияни ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш институтларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган кўп партиявийликнинг ўзига хос ўрни бор. Зеро, демократик жамиятда сиёсий партиялар халқ ва ҳокимият ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Конституциямизда сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатиш ҳуқуқи тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу кейинчалик Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қатор қонун ҳужжатларида ривожлантирилди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги кенг иштироки, аҳоли турли ижтимоий табақаларининг манфаатлар мутаносиблигини кўп партиявийлик тизимисиз таъминлаб бўлмайди. Гап сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирчанлигини юксалтириш ҳақида кетар экан, Президентимиз ташаббуси билан киритилиб, Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг яқинда парламентимиз қўшма мажлисидаги маърузасида унинг амалиётдаги механизми янада ёрқинроқ очиб берилди. Маърузада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи ривожланган давлатларда шакллантирилган фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши кўрсатиб ўтилди. Бунда Конституциямизнинг 98-моддасига, шунингдек, 78 ва 93-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ва конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, ижтимоий ҳаётдаги иштироки учун тенг ҳуқуқий имкониятларни яратади. Шунингдек, уларнинг жамият учун фойдали дастурларини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларининг аниқ чегараларини белгилаш ва ташкилий ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларни яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис Президентимиз парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ ва ошкоралиги ҳамда самарадорлигини таъминлашда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳимлигини таклиф этди.



***“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.***

***Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси.

Маълумки, фуқаролик жамияти тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган жамоа муносабатлари — маҳаллага бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида Конституциямизда илк бор “маҳалла” институтининг ҳуқуқий мақоми баён этилиши (105-модда) ва шу асосда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиши маҳаллаларнинг жамиятимиз ва давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлигининг ёркин ифодасидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Асосий Қонунимиз халқимизнинг стратегик мақсадларини ифода этиб, давлат ўз вазифаларини аста-секинлик билан босқичма-босқич жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказишида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишга қаратилган демократик жараёнларни чуқурлаштиришида муҳим ҳаётий қўлланма вазифасини ўтайди. У миллий тараққиётимизни таъминлаш, озод ва обод Ватанни бунёд этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб қолаверади.

**Қодиржон ОДИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

***Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАР РИВОЖИ

## аграр соҳа тараққиётининг гаровидир

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги ижросига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, водий вилоятлари ҳоким ўринбосарлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари ҳамда бир қатор фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

**Тадбир**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча йўналишлари қаторида аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жойларда хўжалик юритишнинг замонавий шакллари жорий этилди. Айниқса, бугунги кунга келиб, қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланган фермер хўжаликларининг ташкил этилиши аграр соҳанинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига мустаҳкам асос бўлди. Бу эса қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадини ошириш имконини бермоқда.

Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида, айтиш мумкинки, бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда ушбу натижалар билан кифояланиб бўлмайди. Аксинча, ислоҳотларни чуқурлаштириш, озиқ-овқатнинг сифатли бўлишига қаратилган тадбирлар тизимини яратиш, экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш сингари кўплаб масалаларни ҳал этишни даврнинг ўзи тақозо қилаётир.

Шунингдек, тадбирда соҳа қонунчилиги ва унинг ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарлари, соҳа мутахассислари, фермер ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ушбу Қонун ижроси юзасидан назоратни таъминлаш тармоқдаги нафақат ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш, балки уни янада ривожлантириш имконини беради.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад ҳам энг яхши мулк объектларини аниқлаш йўли билан янги технологиялар, товарлар ҳамда рақобатбардош маҳсулот яратиш жараёнини тезлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат секторига истиқболли ишланмаларни татбиқ этишга кўмаклашишдан иборат.

Танловда қатнашиш учун 57 та талабнома қабул қилинди. Шундан 30 таси ихтиро, 17 таси ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси, 10 таси эса фойдали моделларга оид ишланмалардир. Якуний натижаларга кўра, иштирокчилардан бир гуруҳи, яъни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Патологик анатомия марказининг ёш олимлари “Йилнинг энг яхши ихтироси” номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритдилар. Улар яратган ихтиро аёлларда учрайдиган саратон касаллигига ташхис қўйишда муҳим янгиликдир.

— Жамоамиз танловда “Йилнинг энг яхши модели” йўналишида ғолиб бўлди, — дейди “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” очиқ акциядорлик жамияти етакчи муҳандиси Зокирхўжа Эшонхўжаев. — Бизнинг янги қурилма газларни намлаш йўли билан тозалашга мўлжалланган бўлиб, у атроф-муҳитни муҳофаза қилишда аҳамиятлидир.

“Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази аъзоси Лочинбек Нурматовнинг жисмоний имконияти чекланганлар учун мўлжалланган “Daktil” деб номланган ўқув қўлланмаси “Йилнинг энг яхши ЭҲМ дастури ва маълумотлар базаси” сифатида тан олинди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни чоғда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ижроси устидан назоратни таъминлаш, маҳаллада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ижроси устидан назорат тадбирларини ўтказиш бўйича қўшимча талаблар қўйилди.

Дастлабки терговни олиб боришда қонунийликни таъминлаш ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида судга асоссиз илтимоснома киритилишига йўл қўймаслик, бундай чорани танлашда қонунда белгиланган барча талаб ва шартларга риоя этиш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ҳайъат қарори билан прокуратура органларининг ходимлари олдига аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган тадбирларда, шу билан бирга, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

**Бош прокуратура Матбуот хизмати.**

# «Конституция – бахтимиз пойдевори»

***Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Конституция — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.***

Баркамол авлод йили доирасида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танловнинг дастлабки босқичларида тўрт миллиондан зиёд ўқувчи иштирок этди.

**Танлов**

Эътиборли томони шундаки, Республика Халқ таълими, Адлия вазирликлари, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва бошқа бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу танлов “Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати” шиори остидаги ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги доирасида ташкил этилди.

Якуний натижаларга кўра, тасвирий санъат йўналиши бўйича Гурлан туманидан Ойгул Жуманова, жиззахлик Бахтинисо Оқбўтаева ва Самарқанд туманидан Мавлуда Исматова ғолиб, деб топилди. Иншо йўналишида эса, Тошкент шаҳридан Феруза Ҳожиева, гурланлик Райҳон Ўрозбоева, Бухоро туманидан Парвина Абдуллаева пешқадамлик қилди. Қўрғонтепа туманидан Иброҳимжон Отажонов, пойтахтлик Шоҳруҳ Мўминов, Боёвут туманидаги 13-умумтаълим мактаби жамоаси тайёрлаган видеороликлар мазмун-моҳияти, танлов талабларига тўла мос келиши билан ғолиб, деб топилган бўлса, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги 26-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Наргиза Акромова танловнинг “Энг фаол иштирокчиси” деб эътироф этилди. Қумқўрғон туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нафиса Аллаёрова ва Косон туманидаги 95-умумтаълим мактаби ўқувчиси Юлдуз Андақулова “Фаол иштирокчи” номинацияси бўйича энг юқори кўрсаткични қўлга киритди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

# БАХТЛИ БОЛАЛИК НАШИДАСИ

***Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг болалар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдаги ролига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Маълумки, юртимизда болалар ва ёшларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Жумладан, Асосий Қонунимиз ва у асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Жорий йилда ҳам мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани бунга бир далилдир.

**Анжуман**

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар сиёсатини юритишда ушбу Қонун ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Буни Ички ишлар вазирлиги идораларида “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, жорий йилда республика ички ишлар идоралари томонидан жами 38 та махсус мактаб-интернат ва Меҳрибонлик уйлари тўлиқ оталиққа олинди. Шунингдек, тизимга қарашли 7 та мактабгача таълим муассасаси қайта таъмирланиб, уларнинг моддий-техник базаси кучайтирилди. Айни чоғда болалар жиноятчилиги камайишига эришиш, уларга Конституциямиз ва ҳуқуқий мажмуаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини тушунтиришга қаратилган турли тадбир ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ вояга етмаганлар орасида жиноятчилик тобора камайиб, болаларимиз миллий қонунчилик моҳиятини теранроқ тушуниб бораётир.

Шунингдек, тадбирда Конституция ва у асосда ишлаб чиқилган тегишли қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини болалар ва ёшларга янада кенгроқ тушунтириш, бунинг учун эса ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, Омбудсман, “Камолот” ЁИҲ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, тарбияси оғир болалар билан ишлашнинг таъсирчан усулларини татбиқ этиш масалаларида фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

***Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассам. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ушбу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни сақлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда суд ҳокимиятининг салмоқли ўрни бор.***

# СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонунларда суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 112-моддасида судьялар мустақиллиги, қонунга бўйсуниши ва уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари ёки фуқароларнинг аралашишига йўл қўйилмаслиги, аралашган ҳолларда эса жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бу, айни чоғда, судлар ўз фаолиятини фақат қонунлар асосида олиб боришини ҳам англатади.

Юқорида суднинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ташқаридан аралашишга йўл қўйилмаслиги Конституциямизда белгилаб қўйилганлигини айтдик. Бу суд мустақиллигини таъминловчи асосий омил эканлигини ҳисобга олиб, унга кенгроқ тўхталмоқчимиз. Маълумки, Асосий Қонунимизга биноан ишлаб чиқилган қонунларда ҳам шу қоида мезон қилиб олинган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Унда Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар экан, сиёсий мойиллигидан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарини ифодалайди, деган қоида белгилаб қўйилди.

**Менинг Конституциям**

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам ушбу қоида кўзга яққол ташланиб туради. Унга кўра, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш, суд қарорининг ғайриқонуний чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга таъсир кўрсатиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Айни чоғда судьядан кўрилган ёки юритувидаги ишлар бўйича бирон-бир тушунтириш беришни, яъни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар ва тартиблардан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ҳам ўзларининг хабарлари орқали суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги ва “Судлар тўғрисида”ги қонунларда судьялар дахлсизлиги масаласи ҳам инобатга олинган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, Конституциявий суд судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас. Конституциявий суд судьясига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга биноан, судьянинг шахси дахлсиз бўлиб, бу ҳолат унинг турар жойи, хизмат хонаси, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситалари, хат-хабарлари, ашёлар ва ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир. Айни чоғда давлат органлари ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар ва фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши, уларнинг мустақиллигига риоя этиши кўрсатиб ўтилган. Уларга нисбатан ҳурматсизлик қилиш ёки уни очиқдан-очиқ менсимаслик каби хатти-ҳаракатлар қонунга кўра, жавобгарликка олиб келади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси ўлароқ, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Айни чоғда мазкур институтнинг моддий ва ижтимоий базаси кучайтирилди. Бу эса судларда кўрилаётган фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишларнинг холислигини таъминлаб келмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида суд ҳокимияти мустақиллиги кафолатланган бўлиб, айни пайтда ушбу ҳолат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали тарзда ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун ҳуқуқий замин ҳозирлашдан иборатдир.

**У. БОЗОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси.**


XALQ BANKI
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
18 йиллик
байрами билан барча ҳамюртларимизни самимий қутлайди!
Давлатимиз равнақи, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган самарали ишларингизда улкан ривож ва муваффақиятлар тилаймиз!


XALQ BANKI
— халқ ишонган банк
«Янги йил туҳфаси»
муддатли ютуқли омонати
Шартлар:
• омонатлар 2010 йилнинг 20 ноябридан 31 декабригача қабул қилинади;
• фоиз ставкаси фойдали;
• омонат муддати — 3 ой;
• ютуқлар тиражи 2011 йил январь ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтади;
• бош соврин — «Matiz» автомобили, шунингдек, 10 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган 259 та пул ютуқлари қўйилган;
• омонат валютаси — сўм;
• омонатнинг энг кам миқдори — 50 000 сўм;
• фоизлар ва ютуқлар омонат муддати тугаганидан кейин тўлаб берилади.
Янги йилга — янги «Matiz» билан!
www.xb.uz
Тел.: (8-371) 200-00-55.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН


«Ҳамкорбанк»
очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси
азиз юртдошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг
18
йиллиги билан самимий табриклайди!
Яратувчанлик ва бунёдкорлик завқи билан яшаётган замондошларимизга ҳамиша юрт тинчлиги, кўнгил осойишталиги ва оила бахтиёрлиги ҳамроҳ бўлсин!


Қадрли ҳамюртлар!
«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси
барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги
билан чин қалбдан қутлайди!
Хонадонингизни яхшилик ва муҳаббат, сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик ҳеч қачон тарк этмасин!
Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

IPOTEKA BANK

## Ҳурматли юртдошлар!

Сизни мустақил Ўзбекистонимизнинг Асосий Қонуни — Конституция қабул қилинган кун билан табриклаймиз!

Барчангизнинг юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятингизгав зафарлар тилаймиз.

«Ипотека-банк» жамоаси

ЎзР МБнинг 74-сонли лицензияси.

---

## «Дўстлик» орденли «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси жамоаси

**барча юртдошларимизни мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги билан самимий қутлайди!**

*Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тантана қилаётган ҳозиргидек бир даврда республикамизнинг барча аҳолисига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларига тўкин-сочинлик тилайди!*



---

## «БЕКОБОДЦЕМЕНТ»

**акциядорлик жамияти жамоаси**

барча юртдошларимизни 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун билан муборакбод этиб, озод мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига сиҳат-саломатлик тилайди. Эркин ва демократик жамият қуриш йўлида барчангизга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!




---

**Micros®** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор **CAS** Корпорацияси (Жанубий Корея) **МАССА-К** Акциядорлик жамияти

## ТАРОЗИЛАР

БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

КРАНЛАР, ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИ, АВТОМОБИЛЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ОҒИРЛИГИНИ ЎЛЧАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН



ТЕНЗОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАР, ТАРОЗИ ТЕРМИНАЛЛАРИ, КАБЕЛЛАР, 1С га МОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИ

Тошкент шаҳрида:
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281 4364, 281 4724. Факс 281 4365.
- С. Азимов кўчаси, 72«А». Тел.: (998 71) 236 0449. Факс 232 0685.
- Тўйтепа кўчаси, 5. Тел.: (998 71) 232 0661, 233 5899, 233 6007.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz**

*Маҳсулот сертификатланган ва Ўзбекистонда тан олинган.*

---



## ПЎЛАТ КУВУРЛАР

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги махсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

**ЙИҒМА ПАРКЕТ** (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРБИД** — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

---

СИЧК «ETNA-SAFO»

**Россияда ишлаб чиқарилган оқсил ва витамин қўшимчалар билан бойитилган юқори сифатли**

## ОМИХТА ЕМЛАРни (КОМБИКОРМ)

ва (протеини 46 фоизли)

## ОҚСИЛЛИ ЕМ АРАЛАШМАСИНИ

таклиф этади.

Омихта ем-1. *Барча турдаги уй ҳайвонларини боқиш учун мўлжалланган.*
Омихта ем-2. *Парранда (товуқ, ғоз, ўрдак ва бошқа)ларни боқиш учун мўлжалланган.*

Мазкур маҳсулотлар Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда хорижий ускуналар ёрдамида тайёрланган бўлиб, сифат жиҳатидан «Ўзстандарт» агентлиги талабларига тўлиқ жавоб беради.

Чиноз омихта ем ишлаб чиқариш корхонасида ушбу маҳсулотлар обдан буғда димлаш усули орқали тайёрланади. Натижада ишлаб чиқарилаётган аралашмада оқсил кўпаяди ва у яхши ҳазм бўлади.

Оқсил аралашмаси қўшилгандан сўнг унинг унумдорлиги ортади, жониворнинг вазни ошишига ҳамда ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларга қарши иммунитети ошишига кўмаклашади ҳамда уларнинг нобуд бўлишини камайтиради. Аминокислота ва витаминлар омихта емнинг биологик фойдалилигини кучайтиради.

Шунингдек, омихта ем ҳайвон ва паррандаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб уларнинг маҳсулдорлигини оширади.

***Тўлов — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.***

**Телефонлар: (+99897) 444-08-07, (+99897) 485-74-09, (+99893) 579-66-74.**








# БИЛАСИЗМИ?

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**Палата аъзоси бўлиб, сиз:**

- Ўзбекистон ва хорижий давлатларда турли йўналишлар бўйича имтиёзли шартларда таълим олиш имкониятига эгадирсиз;
- солиқ, божхона, хўжалик ҳуқуқи ва бошқа соҳалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигидан бепул маълумот оласиз;
- судларга даъво аризалари топширилганда, давлат божини тўлашдан озодсиз;
- ўз ишлаб чиқариш маҳсулотингизга штрих-код олиш учун хизматлар бўйича чегирмалардан фойдаланишингиз мумкин;
- Палата аъзолари меҳмонларини Тошкент шаҳрининг йирик меҳмонхоналарида жойлаштириш учун чегирмалар (50 фоизгача) олишга ҳақлидирсиз.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (+998 71) 239-18-42, 150-60-03.
«Call-center» телефони: (+998 71) 150-60-06.
«24 соат маслаҳат хизмати» телефони:
(8-800) 120-04-04
(барча қўнғироқлар бепул).
www.chamber.uz

Кўргазма

# РАНГТАСВИР ЖОЗИБАСИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ташаббуси билан вилоят марказидаги Камолиддин Беҳзод номидаги санъат музейида "Опа-сингиллар ремейки" деб номланган кўргазма ташкил этилди.***

Унда Вьетнам миллий санъатининг ёрқин намояндаси Нгуен Ти Хиен ҳамда бухоролик ёш рассом Азиза Авезованинг энг сара асарлари намойиш этилмоқда. Нгуен Ти Хиеннинг ушбу кўргазмага тақдим этилган картиналари кўплаб давлатлар, жумладан, АҚШда ҳам муваффақиятли намойиш этилганди. Унинг миллийлик ва Европа рангтасвир санъати анъаналарини ўзида уйғунлаштирган, чуқур фалсафий мазмунга эга "Ҳаёт қиймати" туркум асарлари, Вьетнам аёлларининг сиймоси акс этган картиналари, Азиза Авезованинг "Саратон", "Она", "Кўзгу олдидаги қиз" сингари ижод намуналари бу ерга ташриф буюрганларда илиқ таассурот қолдираяпти.

**И. ИСТАМОВ.**


«Rational Resurs»
SUV ISITISH QOZONLARI
маҳсулот сертификатланган
Тел.: (+998-97) 786-50-09.
Факс: (8-370-95) 6-20-65.

Российский линолеум
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН


*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*



САНОАТ МОЙИ И-20А 1759,9 ▼ -642,4



МОТОР МОЙИ М14 В2 1442,7 ▼ -1812,2



БЕНЗИН АИ-80 1635,7 ▼ -179,5



ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 1843,9 ▼ -41,5

